

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУРОДОВ АЛИЖОН САЛИМОВИЧ**

**ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР ЙИРИНГЛИ-ДЕСТРУКТИВ**  
**КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ**  
**ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Муродов Алижон Салимович**

Юмшок тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даволашни самарали усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш..... 5

**Мурадов Алижон Салимович**

Разработка и внедрение эффективных методов лечения гнойно-деструктивных заболеваний мягких тканей..... 21

**Muradov Alijon Salimovich**

Development and implementation of effective methods of treatment of purulent-destructive soft tissue diseases ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МУРОДОВ АЛИЖОН САЛИМОВИЧ**

**ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАР ЙИРИНГЛИ-ДЕСТРУКТИВ  
КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШНИ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА ТАДБИҚ ЭТИШ**

**14.00.27 – Хирургия**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib104 рақами билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Тешаев Октябр Рухуллаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Гуламов Олимжон Мирзахитович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Эгамов Юлдашали Салайманович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот**

**Самара давлат тиббиёт университети**  
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» декабр куни соат 12:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: [buhmi@mail.ru](mailto:buhmi@mail.ru).)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (059 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, А.Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2021 йил «6» декабр куни тарқатилди.  
(2021 йил «6» декабр даги 11 рақамли реестр баённомаси).



**А.Ш. Иноятов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Н. Ачилова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Н.А. Нуралиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «...жарроҳлик касалликлари умумий структурасида хирургик инфекцияси 35-45% беморларда кузатилади...»<sup>1</sup> Йирингли жарроҳлик инфекцияси шифохоналарида мураккаб ва ўта муҳим муаммо бўлиб, жарроҳлик касалликлари орасида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Юмшоқ тўқимлар йирингли яралари этиологик нуқтаи назардан одатда бактериял ва кўп ҳолларда полимикроб характерли хирургик инфекцияни кузатиш мумкин. Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини комплекс даволашда микробиологик, морфологик ва планиметрик тадқиқотлар асосида фотодинамик терапиянинг мавжуд катта клиник материалда самарадорлиги исботланган. Сўнгги бир неча ўн йиллар давомида бу муаммони ҳал қилишда бир қанча ютуқларга эришиш йулида яралардаги регенератив жараёнларни тезлаштирадиган ва уларнинг иккиламчи инфекциясини олдини оладиган кўплаб воситалар ва усуллар пайдо бўлди, аммо эришилган муваффақиятга қарамай, бу муаммо долзарб вазифа эканлигини кўрсатади.

Жаҳон миқёсида кейинги йилларда касалликларга ва хусусан йирингли-яллиғланиш жараёнларига таъсир қилувчи янги омиллар пайдо бўлган. Уларга ижтимоий-иқтисодий омиллар, наркотик воситаларга ружу қўйиш, мураккаб даволаш-диагностик услубларини тез-тез қўллаш, экология бузилиши, кўзғатувчиларнинг антибиотикларга резистентлиги, иккиламчи иммун танқислик ва ҳоказолар киради. Ушбу омилларнинг йирингли-яллиғланиш жараёнларига таъсири ва йирингли ярани даволаш ўзига хослиги етарлича ўрганилмаган. Жараёнда энг кўп иштирок этадиган бактериялар булар *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus* гуруҳи (асосан *Streptococcus pyogenes* ва камроқ даражада В, С ва G гуруҳлари), энтеробактериялар ва анаэроб микроорганизмлар. Юмшоқ тўқималар йирингли касалликлари билан оғриган беморларни даволаш ҳозирги кунгача жарроҳликдаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш бўйича кўплаб мақсадли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва қулайлиги, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, патронаж ва клиник текширувнинг самарали моделларини яратиш, диагностика ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш орқали комплекс тадбирларни амалга ошириш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган.

<sup>1</sup> Галимзянов Ф.В. Местное лечение и рациональная антибактериальная терапия инфицированных ран / Международный журнал экспериментального образования. -2014. - № 8, часть 2. – С. 111-112.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» Фармони

Ушбу диссертация тадқиқотлари, маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавжуд қатор илмий тадқиқотларда юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даво усулларини такомиллаштиришга қаратилган (Спокойный А.Л., 2016, Ахунов А.О., 2018), жумладан, замонавий физик усулларни қўллаб қатор илмий ишлар амалга оширилган (Пантелеев В. С., 2011, Сократый А.А., 2011, Болтаев Т.Ш., 2020), шунингдек ҳамроҳ касалликлар фонида ҳам даволаш (Бабаджанов Б.Д., 2017, Хамдамов Б.З., 2018) илмий даражада ўрганилган.

Тегишли даволаш тактикасини танлашда юмшоқ тўқималарнинг анатомиясини, инфекция жойлашган қатламни билиш муҳим ўрин тутди, бу эса айнан шу клиник вазиятни таҳлил қилиш, хавф омилларини ва эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда, потенциал кўзғатувчини аниқлаб ва адекват рационал эмпирик антибиотик терапиясини тайинлашга имкон беради. Аммо ҳозирда юзага келаётган антибиотикларга резистентлик ҳолати олимларга кўп муаммолар келтириб чиқармоқда. Бу ҳолат одатда антибиотикларни нораціонал қўллаш туфайли келиб чиқади. Антибиоткорезистент штамлардан юқтирилган инфекциялар янада оғирроқ кечиб, беморни албатта касалхонага ётқизишга, унинг касалхонада қолиш муддатини ошириб, уни даволаш тадбирларида албатта комбинацияланган даво чораларидан фойдаланишни тақозо этади (Паронян М.Г., 2015, Намазова-Баранова Л.С., 2017).

Юқори антибиотикка резистентлик даволовчи шифокорни антимиқроб препаратларнинг юқори дозаларини буюришга мажбур қилади, бу эса организмда тизимли токсиклик асоратлар (нефро-, гепато-, нейротоксиклик, дисбактериоз ва ҳк.) пайдо бўлишига олиб келади. Мавжуд ушбу муаммолар тизимли токсикликка эга бўлмаган "идеал миқробга қарши препарат" ни излашга сабаб бўлди. Бу талабга кўп томонлама фотодинамик терапия (ФДТ) мос келади.

Дунёда ва мамлакатимизда сўнгги йилларда бажарилган илмий-тадқиқот муаллифларининг фикрига кўра, йирингли яраларни даволашнинг асосий концепцияси бу жараёнга патогенетик ёндашув бўлиб ҳисобланади (Байбеков И.М., 2011; Бубенчикова В.Н., 2013); фотодинамик терапия йирингли-

яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни даволашнинг энг истиқболли натижаларидан биридир (Хаджибаев А.М., 2011, Дербенев В.А., 2017); йирингли яраларни даволашда фотодинамик терапия микроорганизмларнинг антибиотикорезистент штамлари учун ҳам хавфлилиги (Садыков Р.А., Садыков Р.Р., 2012); юмшоқ тўқималардаги йирингли яраларга фотодинамик терапия қўллаш истиқболли, улар юмшоқ тўқималардаги йирингли жараёнларни даволашда патогенетик ва иктисодий жиҳатдан самарадорлиги исботланган (Толстых П.И., 2014; Тешаев О.Р., 2016), ҳамроҳ қандли диабет мавжуд беморларда оёқларда йирингли яра пайдо бўлиши, йирингли яра асоратларини ва ампутацияларнинг олдини олиш мақсадида фотодинамик терапияни қўллаб даво усули такомиллаштирилган (Хамдамов Б.З., 2020).

Шу билан бирга юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини фотодинамик терапия ёрдамида даволаш бўйича маълумотлар етарлича ўрганилмаган. Бу каби ҳолатлар юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даволашда физик усулларни шу жумладан фотодинамик терапияни қўллаш тиббий аспектларини тизимлаштиришга йўналтирилган кўшимча тадқиқотларни чуқур ўрганиш тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба ҳайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари билан оғриган беморларни фотодинамик терапия ва карбон (CO<sub>2</sub>) лазерни қўллаган ҳолда даволашни мақбуллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажрибада юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари қўзғатувчилари стандарт штамларига фотодинамик терапиянинг бактерицид самарасини аниқлашдан иборат;

яра жараёнининг кечиш босқичига боғлиқ фотодинамик терапия кулай режими, частотаси ва давомийлигини ишлаб чиқиш;

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари бўлган беморларда фотодинамик терапия ва карбон лазерни қўллаганда яра жараёни кечишини қиёсий тавсифини бериш;

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари бўлган беморларда фотодинамик терапия ва карбон лазерни қўллаб даво самарадорлигини оширишни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлик касалликлари кафедраси базаси бўлган 1-Шаҳар клиник шифохонаси йирингли жарроҳлик бўлимида юмшоқ тўқималар йирингли-

деструктив касалликлари билан даволанган 360 беморнинг комплекс текшируви ва даволаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети *in vitro*** тажрибада беморлар йирингли яраларидан ажратилган *S.pyogenes* ва *S.aureus* госпитал штамлари бактериологик текшируви, *in vivo* тажрибада оқ зотсиз каламушларда йирингли яра модели, клиник қисмда юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари билан оғриган беморларда йирингли жараён туфайли кечадиган беморнинг объектив ва субъектив ўзгаришлари, қон таҳлилидаги яллиғланишга мос ўзгаришлар, йирингли ярадаги микробиологик, морфологик ва планиметрик кўрсаткичлар динамикада ўзгаришининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, лаборатор, инструментал, микробиологик, морфологик, планиметрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот асосида *in vitro* тажрибада юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини комплекс даволаш мақсадида фотодинамик терапия учун фотосенсибилизатор – метилен кўкининг оптимал концентрацияси аниқланган;

яра жараёни I фазасида экссудацияни камайтириб, йирингли-фиброз қатлам юпқалашишига ва йўқолишига олиб келган, юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даволашда фотодинамик терапияни кенг қўллаш учун карбон (CO<sub>2</sub>) лазернинг самарадорлиги исботланган;

математик моделлаш ёрдамида сарамас касаллиги шакли ва фазасига боғлиқ ҳолда касаллик даволаш тактикаси аниқланган;

илмий тадқиқотлар натижасида юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари мавжуд беморларни даволашда фотодинамик терапия қўлланилишининг юқори самарадорлиги исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

фотодинамик терапиянинг антимиқроб таъсирини кучайтирувчи метилен кўки оптимал концентрацияси аниқланган;

клиник амалиётга сарамас касаллиги зарарланиш характерини ва кечиш фазасига қараб даволаш тактикасини танлаш учун фотодинамик терапияни қўллаган ва жорий қилинган;

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларида тажрибада ва клиник амалиётда маҳаллий яллиғланиш жараёни умум клиник, планиметрик, микробиологик, морфологик ва лаборатор параметрларига фотодинамик терапия ва карбон лазер самарали таъсири исботланган;

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларида фотодинамик терапия ва карбон лазер қўллаш билан ташхисот ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир–бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал, лаборатор, микробиологик, морфологик,



планиметрик, статистик усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллиги мавжуд беморларда йирингли ярадаги ўзгариш аспектларини баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлигини, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти, юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари кузатилган беморларни даволашда умум-клиник, лаборатор, микробиологик, морфологик ва планиметрик текширувларни мақсадли равишда қўллаш истиқболли йўналиш орқали даволаш сифатини яхшилаш тартибининг назарий аҳамияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти *in-vitro* тажрибасида фотодинамик терапия учун танлаб олинган Метилен кўки фотосенсибилизаторининг энг оптимал антибактериал концентрацияси *in-vivo* тажрибасида оқ зотсиз каламушлардаги йирингли яра моделида самарали қўлланилиб, клиника шароитида юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари билан оғриган беморларда йирингли яралар даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида қўллаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллиги мавжуд беморларни даволашда фотодинамик терапияни қўллаб олинган илмий натижалар асосида:

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллигини фотодинамик терапияни комплекс жорий этиш бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даво усуллари тақомиллаштириш» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 20 январдаги 8н-р/34-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллигида фотодинамик терапияни комплекс қўллаб, ушбу касалликларни даво самарадорлигини ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллигини фотодинамик терапияни комплекс қўллашни асослашга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси ҳамда Бухоро вилоятининг Вилоят кўп тармокли клиникаси йирингли хирургия бўлимлари клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 мартдаги 8н-д/111-сон маълумотномаси). Олинган натижалар юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касаллиги мавжуд беморларда фотодинамик терапияни комплекс қўллаб, беморларни диагностик ва даволаш алгоритми ишлаб чиқиш, беморларда йирингли яра микробиологик ва морфологик ўзгаришларни даражасини аниқлаш, даво алгоритмининг қўллаш ҳисобига даво самарадорлигини яхшилаб, беморларнинг стационарда бўлиш давомийлигини ҳамда асоратларнинг учрашини камайтиришга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Юмшоқ тўқималар йирингли-яллиғланиш касалликлари билан беморларни даволаш усуллари бўйича адабиёт шарҳи»** муаммонинг хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи келтирилган. Ундан ташқари, юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари даволаш усуллари, даволаш натижалари ва асоратларининг олдини олиш ҳақидаги хориж ва мамлакатимизда олиб борилган илмий ишлар таҳлили келтирилган. Ушбу муаммоларнинг таҳлили кенг ёритилган бўлиб, мазкур муаммонинг илмий жиҳатдан ҳал этилишининг муаллифлик ёндашуви таклиф қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Экспериментал-клиник кузатувлар ва тадқиқот усуллари умумий тавсифи»** га бағишланган. Мақсадга етиш учун Тошкент тиббиёт академияси жарроҳлик касалликлари кафедраси базаси 1-Шаҳар клиник шифохонаси йирингли жарроҳлик бўлимида юмшоқ тўқималар йирингли яралари билан даволанган 360 беморнинг комплекс текшируви ва даволаш натижаларига асосланган. Ўтказилган давога боғлиқ беморлар шартли равишда 3 гуруҳга бўлинган: 1 (назорат гуруҳи) гуруҳга умум қабул қилинган анъанавий даволаш усуллари ўтказилган 118 бемор киритилган; 2-гуруҳга (асосий гуруҳ I) 120 бемор, уларга анъанавий даволаш усуллари билан бирга комплексда фотодинамик терапия фотосенсибилизатор (ФС) 0,05% метилен кўки буфер эритмаси билан; 3-гуруҳ (асосий гуруҳ II) 122 бемор, анъанавий даволаш усуллари билан бирга комплексда фотодинамик терапия қўлланган (фотосенсибилизатор сифатида метилен

кўки 0,05% буфер эритмаси) ва карбон лазер қўлланган беморлар мақсадли равишда ўрганилган.

Шифохонага мурожат қилган юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари кузатилган барча беморларнинг клиник-анамнестик маълумотларини ўрганиш билан бир қаторда клиник текширувлари: клиник ва лаборатор таҳлиллар; инструментал текширувлардан (рентгеноскопия, ЭКГ, УТТ) ва зарур бўлганда бошқа махсус текширувлар олиб борилган.

Шунингдек йирингли ярадаги динамик ўзгаришларни тўлақонли баҳолаш учун микробиологик, морфологик ва планиметрик текширувлар бажарилган. *In-vitro* тажрибада юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари кўзғатувчилари стандарт штаммлари *S.pyogenes* ва *S.aureus*лар ажратилиб, фотодинамик терапия учун танланган фотосенсибилизатор тўлқин узунлигига мос ёруғлик манбаси танланган.


*In-vivo* тажриба учун тажриба ҳайвонлари танланди. Ҳар бир гуруҳда 10 тадан оқ зотсиз тажриба каламушлари бўлган. Ҳайвонлардан 1-гуруҳи назорат сифатида олинди ва ҳеч қандай даволаш олмаган; каламушларнинг 2-гуруҳи анъанавий даво олган; 3-гуруҳ – анъанавий даво комплексида фотодинамик терапия (фотосенсибилизатор 0,05% метилен кўки эритмаси) сеансини олган. 4-гуруҳ анъанавий даво билан биргаликда фотодинамик терапия ва карбон лазерни (CO<sub>2</sub>-лазер) комплекс даво сифатида олган.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel-2018 дастурий пакетида фойдаланиб, статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган вазифаларини қўлланилган тартибда қўлланилган тартибда статистик қайта ишланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Экспериментал тадқиқот натижалари**» *in-vitro* тажрибада юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари кўзғатувчилари стандарт штаммлари *S.pyogenes* ва *S.aureus*ларга фотодинамик терапиянинг бактерицид самарасини ўрганилиб, яра жараёнининг кечиш босқичига боғлиқ фотодинамик терапия қулай режими, частотаси ва давомийлигини ишлаб чиқилди. Метилан кўкининг қоронғулик токсиклигини ўрганиш бўёқ концентрациясига боғлиқ текширилган. Препаратнинг кичик концентрациялари микроорганизмлар ўсишига амалий таъсир қилмаган. Юқори концентрацияларда метилен кўки (0,05%, 0,5%, 1%) микроорганизмларга минимал антисептик таъсирга эга бўлган, бу эса унинг тирик организмга кам токсиклигидан далолат беради. Ўтказилган *in vitro* тажриба натижасида аниқландики, метилен кўки тирик ҳужайраларга қоронғуда токсиклик таъсирга эга эмас. Фотосенсибилизатор метилен кўки ва ёруғлик нури алоҳида фотодинамик антимиқроб фаолликка эга булмай, улар биргаликда фотодинамик эффектни юзага чиқаради. Олиб борилаган илмий-тадқиқот иши *in-vitro* тажрибасида аниқланганки Метилан кўки 0,05% концентрацияси максимал антибактериал фаолликка эгадир (1-расм).

Ушбу натижалар ҳисобига фотодинамик терапиянинг асосий параметрлари аниқланиб, *in-vivo* тажрибада қўлланилган. Олинган натижалар асосида *in-vivo* тажриба оқ зотсиз каламушларида йирингли яра модели юмшоқ тўқималар йирингли яраларини даволашда фотодинамик терапияни

қўллаб, микробиологик, морфологик ва планиметрик текширувлар натижаси асосида таклиф қилинган даво усули самарадолиги аниқланган. Биринчи суткада барча гуруҳдаги экспериментал ҳайвонларда даволашдан олдин зарарланган ўчоқ планиметрик кўрсаткичлари зарарланиш ўчоғи кенгайишига ишора қилган ва барча текширув гуруҳларида ўртача  $145 \pm 4,5$  мм ни ташкил этган.



**1-расм. Метилен кўки фотосенсибилизаторининг максимал антибактериал концентрацияси**

Кўрик вақтида яра чеккаларининг ўртача ривожланган гиперемияси ва шиши кузатилган, яра туби кулранг-некротик қоплам билан қопланган. Яқин тўқималарда диapedез қон қуйилиш сохалари кузатилган. Физиологик регенерация динамикасида биз йирингли ўчоқ ўлчамлари аста-секин камайиши кузатилган, уларнинг даволаш бошидан 3,7 ва 10-сутка муддатларда 1-гуруҳ ҳайвонлари миқдорларига нисбатан мос равишда 1,17; 1,27 ва 1,45 марта камайиши аниқланган.

Йирингли ўчоқнинг анча эрта битиши 4-гуруҳда ФДТ ва CO<sub>2</sub> лазер бирга қўлланганда кузатилган: ўчоқ майдони даво муддатларга мос равишда 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,23; 1,35 ва 1,5 марта; 2- гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,15; 1,27 ва 1,38 марта; 3- гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,09; 1,13 ва 1,2 марта камайган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Таккосланаётган гуруҳларда даволаш динамикасида йирингли ўчоқ планиметрик кўрсаткичлари (мм<sup>2</sup>), M±m**

Гуруҳлар	Текширув муддати		
	3-сутка	7-сутка	10-сутка
<b>1</b>	131,0±3,0	115,2±2,5 <sup>a</sup>	96,5±3,3 <sup>a</sup>

2	123,0±3,1 <sup>а,б</sup>	108,7±3,1 <sup>а,б</sup>	86,6±2,5 <sup>а,б</sup>
3	116,3 ±4,2 <sup>а,б</sup>	96,9±4,8 <sup>а,б</sup>	76,3±4,3 <sup>а,б</sup>
4	106,6±2,8 <sup>а,б,в,г</sup>	85,3±4,1 <sup>а,б,в,г</sup>	62,5±3,6 <sup>а,б,в,г</sup>

Тажриба ҳайвонларидаги йирингли ярнинг микробиологик пейзажи ўрганилганда анъанавий, фотодинамик терапия ва СО<sub>2</sub> лазер комплекс даво олган гуруҳ кўп даражада назорат гуруҳларига нисбатан ярнинг энтеробактериялар штамлари билан бактериал инфлоксаниш даражасини 10<sup>8</sup>КОЕ/г дан 10<sup>2</sup>КОЕ/г (4 марта) гача камайишига ва тилла ранг стафилококк элиминациясига имкон беради.

Йирингли ярлар комплекс даволашда фотодинамик терапия қўлланиши тажриба ҳайвонларида назорат гуруҳига нисбатан кўзғатувчи элиминацияси муддатларини 10 суткадан 8 кунгача тезлаштиришга ва микроб концентрациясини 3-суткада фақат анъанавий даволаш олган гуруҳга нисбатан 2 марта камайишига имкон беради(2-жадвал).

## 2-жадвал.

### Тажрибада йирингли ўчоғдан олинган кўзғатувчи экилиш частотаси ва концентрацияси (ушбу микроб ажратилган штамлари сонидан % да)

Текширув муддати	St.aureus	Proteus spp	E.coli
Назорат гуруҳи (даволанмаган ҳайвонлар)			
1 сутка	70% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	60% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г
3 сутка	70% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г
7 сутка	70% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г
10 сутка	70% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г
1-гуруҳ (анъанавий даволаш)			
1 сутка	70% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	60% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г
3 сутка	60% / 10 <sup>7</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>6</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>6</sup> КОЕ/г
7 сутка	60% / 10 <sup>6</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*	50% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*
10 сутка	50% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*	30% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**	30% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**
2- гуруҳ (анъанавий даволаш +ФДТ)			
1 сутка	60% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	60% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	60% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г
3 сутка	60% / 10 <sup>6</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>6</sup> КОЕ/г	60% / 10 <sup>5</sup> КОЕ/г
7 сутка	50% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*	40% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**	50% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**
10 сутка	50% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**	Роста нет**	30% / 10 <sup>2</sup> КОЕ/г**
3- гуруҳ (анъанавий даволаш +ФДТ+СО <sub>2</sub> – лазер)			
1 сутка	70% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	50% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г	40% / 10 <sup>8</sup> КОЕ/г
3 сутка	70% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*	50% / 10 <sup>4</sup> КОЕ/г*	40% / 10 <sup>5</sup> КОЕ/г*
7 сутка	40% / 10 <sup>2</sup> КОЕ/г**	50% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**	30% / 10 <sup>3</sup> КОЕ/г**
10 сутка	РН**	20% / 10 <sup>2</sup> КОЕ/г **	10% / 10 <sup>2</sup> КОЕ/г**

Экпериментда йирингли яра морфологияси ўрганилганда ФДТ ва СО<sub>2</sub> – лазер билан анъанавий даволаш биргаликда яра жараёни ривожланиши жадаллигига кучли самарали таъсир ўтказди. Даволаш натижасида 3-

суткадаёқ барча яллиғланган тўқималарнинг қисмларида ўткир лейкоцитар инфильтрация ва тўқималарнинг деструкцияси йўқолади, бу эса яллиғланиш экссудатив босқичи пролиферация фазасига ўтганини билдиради. 7-суткада битиш фазаси ривожланади. Буларнинг барчаси яра сохаларида жадал тикланиш жараёнлари ривожланишига даволашнинг биргаликдаги таъсири самарадорлигини кўрсатади. ФДТ ва CO<sub>2</sub> –лазерни биргаликда қўлланиши йирингли-деструктив яраларнинг барча зоналарида регенератив жараёнлар ривожланиши жадаллигига энг самарали таъсир кўрсатади.

Даволаш натижасида яллиғланган тўқималар барча қисмларида тўқималар структуралари деструкцияси билан ўткир лейкоцитар инфильтрация йўқолади, бу эса яра жараёни экссудатив-альтератив фазаси қисқаришига олиб келади. Микроциркулятор ўзанда кузатилган бузилишларнинг сезиларли камайиши яранинг йирингли-некротик детритдан тез тозаланишига ва грануляцион тўқиманинг фаол шаклланишига, макрофагал ва фибробластик қатор ҳужайра элементлари фаол пролиферациясига, грануляцион тўқиманинг тез етилиши ва фиброзланишига сабаб бўлади, охир-оқибатда яра юзасининг тўлиқ эпителизацияси муддатлари камайишига олиб келади.

Диссертациянинг тўртинчи бобида **«Клиник текширувлар натижалари»** бўйича юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари мавжуд беморлар даво чораларини фотодинамик терапия ва CO<sub>2</sub>лазер қўллаб такомиллаштириш услублари ўрганилган.

Йирингли ўчоқларни жаррохлик ишловидан кейин яра жараёни кечиши динамикаси назорат ва асосий гуруҳ беморларида ўтказилган даволашга боғлиқ турлича бўлган.

Назорат гуруҳи беморларида анъанавий даво олгандан кейин тана ҳарорати меъёрлашуви  $4,5 \pm 0,5$  суткада амалга ошган, юрак уриш сони меъёрлашуви  $4,5 \pm 0,5$  суткада юзага келган, лейкоцитар интоксикация индекси (ЛИИ) кўрсаткичлари меъёрий даражага даволаш ўтказилгандан кейин  $8,5 \pm 0,5$  суткада қайтган. Перифокал шиш йирингли яра сохасида беморларда  $4,5 \pm 0,5$  суткада пайдо бўлган. Тери гиперемияси йирингли яра атрофида  $5,0 \pm 0,3$  сутка сақланиб қолган, яра чеккалари ва девори инфильтрацияси –  $8,5 \pm 0,5$  сутка (3-жадвал).

I асосий гуруҳда ҳарорат  $3,5 \pm 0,7$  суткада кузатилган, юрак қисқариш сони меъёрий кўрсаткичларга  $3,5 \pm 0,8$  суткада камайган, ЛИИ кўрсаткичлари камайиши ўтказилган даволаш тадбирларидан кейин  $8,0 \pm 0,5$  суткада кузатилган. Клиник кўринишлар динамикаси таҳлили кўрсатишича, йирингли яраларни фотосенсибилизатор метилен кўки қўллаш ёрдамида фотодинамик терапия билан даволаш перифокал яллиғланиш кўринишларини тезда камайишига олиб келган. Йирингли яралар атрофида тери гиперемияси ва перифокал яллиғланиш камайиши  $4,0 \pm 0,3$  сутка давомида сақланган, яра чеккалари ва деворлари инфильтрацияси –  $6,5 \pm 0,5$  сутка.

II асосий гуруҳда ҳарорат меъёрлашуви  $3,0 \pm 0,4$  суткада юзага келган, юрак қисқариш частотаси меъёрий кўрсаткичларга  $3,0 \pm 0,4$  суткада тушган, ЛИИ кўрсаткичлари меъёрий даражага даволаш чоралари ўтказилгандан кейин  $7,0 \pm 0,4$  суткада юзага келган. Клиник кўринишлар динамикаси таҳлили кўрсатишича, йирингли яраларни фотосенсибилизатор метилен кўки қўллаш ёрдамида фотодинамик терапия ва  $\text{CO}_2$  лазер билан даволаш перифокал яллиғланиш кўрсакичларини кескин камайишига олиб келган. Йирингли яраларнинг атрофида тери гиперемияси ва перифокал яллиғланиш камайиши  $3,5 \pm 0,6$  сутка давомида амалга оширилган, яра чеккалари ва деворлари инфильтрацияси  $-5,5 \pm 0,5$  суткада.

### 3-жадвал.

#### Текширилган гуруҳларда асосий клиник кўрсаткичларнинг динамикада таққослама тавсифи

Гуруҳлар / кўрсаткич	Ҳарорат меъёрлашиши (суткалар)	ЮУС меъёрлашиши (суткалар)	ЛИИ меъёрлашиши (суткалар)	Перфокал яллиғланиш камайиши (суткалар)	Яра чеккалари ва деворлари инфильтрацияси камайиши (суткалар)
Назорат гуруҳи	$4,5 \pm 0,5$	$4,5 \pm 0,5$	$8,5 \pm 0,5$	$5,0 \pm 0,3$	$8,5 \pm 0,5$
Асосий гуруҳ I	$3,6 \pm 0,8$	$3,6 \pm 0,5$	$8,1 \pm 0,5$	$4,0 \pm 0,3$	$6,5 \pm 0,5^*$
Асосий гуруҳ II	$3,1 \pm 0,4^*$	$3,1 \pm 0,5^*$	$7,1 \pm 0,4^*$	$3,5 \pm 0,6$	$5,5 \pm 0,5^{**}$


Йирингли яралар кечиши устидан динамикада кузатув кўрсатишича, яраларни йирингли-некротик массалардан анъанавий даволаш ўтказишда тозаланиш  $7,0 \pm 0,5$  суткада юзага келган, грануляциялар пайдо бўлиши  $7,5 \pm 0,7$  суткада, йирингли ўчоқнинг жаррохлик ишловидан кейин чекка эпителизация  $8,0 \pm 0,7$  суткада аниқланган. Беморларнинг назорат гуруҳида стационарда бўлиш ўртача давомийлиги  $9,5 \pm 3,5$  ўрин-кунни ташкил этган.

I асосий гуруҳда йирингли яралар кечишининг кузатуви кўрсатишича, яраининг йиринг-некротик массалардан тозаланиши  $4,5 \pm 0,5$  суткада юзага келган, грануляциялар пайдо бўлиши  $5,0 \pm 0,6$  суткада қайд қилинган, чекка эпителизация эса йирингли ўчоқнинг жаррохлик ишловидан сўнг  $6,5 \pm 0,5$  суткада аниқланган. I асосий гуруҳда беморларнинг стационарда бўлиш вақти ўртача  $7,5 \pm 3,0$  ўрин-кунни ташкил этган.

II асосий гуруҳда умуман олганда яра жараёнининг клиник кўринишларини таҳлил қилганда айтиш керак-ки, ФДТ ва  $\text{CO}_2$ -лазер сеанси ўтказилгандан кейин яраининг йирингли детрит ва фибриноз массадан тозаланиш ҳамда грануляциялар пайдо бўлиши вақти ва эпителизация бошланиши муддатлари, айниқса, асосий гуруҳда қисқарган. II асосий гуруҳда ярани йирингли-некротик массадан тозаланиши фотосенсибилизатор МК қўллаш билан ФДТ комплексда  $3,8 \pm 0,5$  суткада юзага келган, грануляциялар пайдо бўлиши  $4,0 \pm 0,5$  суткада, чекка эпителизация эса

йирингли ўчоқни ёргандан кейин  $5,5 \pm 0,5$  суткада аниқланган. Асосий гуруҳдаги беморларнинг стационарда ўртача бўлиш даври ўртача  $6,0 \pm 2,5$  ўрин-кунни ташкил этган.

Текшириладиган гуруҳларда йирингли яра микробиологик картинаси ўрганилган. Назорат ва асосий гуруҳлардаги беморлардан олинган барча материаллар микроорганизмлар билан контаминация бўлган, яъни барча намуналарда ўсиш кузатилган (100%). 105 нафар текширилган беморлардан 124 микроб штамлари ажратиб олинган, улардан 86 (82%) - монокультура, 19 (18%) штамлар эса микроблар икки тури ассоциациясида бўлган. 9 (47,4%) ҳолатда стафилококклар икки тури ўсган; 6 (31,5%) эҳмада стафилококклар ассоциантлари гемолитик стрептококклар ва 1 (5,3%) – ичак таёқчаси бўлган.




**2-расм. Йиринг ўчоғидан ажратилган микроорганизмлар характери**

Беморларнинг текширилган назорат ва асосий гуруҳлари натижалари таҳлили кўрсатишича, даволашнинг барча усуллари йирингли-яллиғланиш жараёни қўзғатувчисига у ёки бу даражада таъсир қилган. Бу гуруҳларнинг фарқи қўзғатувчининг элиминация муддатларида намоён бўлган (3-расм). Назорат гуруҳидаги анъанавий даво олган 32% беморда эҳмаларда текширувнинг 10-куни қўзғатувчи ўсиши кузатилмаган. Улардан фарқли анъанавий даво билан комплексда ФДТ олган I гуруҳ беморларда текширувнинг 7-куни микроблар ўсиши 12% ида кузатилган, охириги текширувда – 59% текширилганларда, бу эса назорат гуруҳидан 1,8 марта кўпроқ.

Энг яхши натижалар текширилганларнинг II гуруҳида эришилган, улар комплекс терапия - анъанавий даво билан ФДТ ва CO<sub>2</sub> лазер олган: қўзғатувчи элиминацияси 36% беморда еттинчи суткада кузатилган, бу эса I гуруҳ беморлари кўрсаткичларидан 3 марта юқори. Ўниничи суткада бу



гурухдаги беморларда 67% да ўшиш кузатилмаган, бу эса I гуруҳ натижаларидан 1,1 марта юқори, назорат гуруҳидан эса – 2 марта. Олинган натижалар тавсия қилинаётган даволаш усули юқори самарадорлиги хақида хулоса қилишга имкон берган.



**3-расм. Такқосланадиган гуруҳларда кўзгатувчи элиминацияси частотаси ва муддатлари.**

Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари бўлган беморларда таклиф этилган даво бўйича назорат гуруҳига нисбатан йирингли ўчоқлардан кўзгатувчи элиминацияси муддатларини 2 марта қисқаришда намоён бўлган самарадорлик ўрнатилган.

Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларида йирингли яра морфологик картинаси ўрганилганда йирингли бўшлиқни очиш амалиётидан сўнг йирингли ярада ўткир йирингли яллиғланиш аломатлари яққол намоён бўлган. Тадқиқотнинг 3-кунида яллиғланиш ўчоғи тўқимасидаги қон томирларда кўп сонли инфекцион тромблар пайдо бўлганлигидан некрозлар ривожланган. Клиник жиҳатдан йирингли ўчок соҳаси қаттиқлашиб шишиб чиқганлиги ва кучли оғриқ берувчи инфильтрат пайдо бўлганлиги билан намоён бўлган. Йирингли ўчок соҳасида тери таранглашган, кўкиш-тўқ-қизил ранга кирган. Айрим ҳолларда юзасида оқиш рангли йирингли пуштула пуфакчалари пайдо бўлган


Юмшоқ тўқималар ўткир йирингли яллиғланишли касалликларини анъанавий даволашдан кейин динамикада ўрганиш шуни кўрсатдики, 3-кунда йирингли касалликларнинг деярлик барча турида нейтрофил лейкоцитар инфильтрацияли йирингли-деструктив ва некробиотик ўзгаришлар устун турганлиги кузатилган. Анъанавий давонинг 7-кунига келиб, нейтрофил лейкоцитар инфильтрация яна ҳам кенг тарқалганлиги, абсцесс ва некроз ўчоқлари сони кўпайганлиги, хусусий тўқима тузилмаларининг деструкцияланиши авж олганлиги аниқланган.

Текширувнинг 10-кунига келиб, йирингли яллиғланишга учраган тўқимада шиш ва деструкцияланиш жараёнлари биров тинчланганлиги, нейтрофил инфильтрацияга учраган соҳаларда маълум чегаралар пайдо бўлганлиги, абсцес ва некробиорз ўчоқлари атрфида пролифератив яллиғланиш ривожланиб, бириктирувчи тўқима пайдо бўлганлиги кузатилган.

Юмшоқ тўқималар йирингли касалликларини ананавий даво билан биргаликда ФДТ (фотосенсибилизатор 0,05% метилен кўки) билан даволанганда назорат гуруҳига нисбатан ижобий ўзгаришлар, яъни яллиғланган тўқимада нейтрофилли инфильтарция, шиш ва деструктив ўзгаришларнинг ҳажми камайганлиги кузатилган. Нейтрофилли инфильтрация ўчоқлари фақат қон томирлар, қўшимча тузилмалар атрофида сақланиб қолганлиги, уларнинг ҳажми назорат гуруҳига нисбатан анча қисқарганлиги, таркибида некроз ва абсцесс ўчоқлари йўқолганлиги кўринган. Текширувнинг 7-кунига келиб яллиғланиш инфильтрати таркибида нейтрофиллар камайиб, ўрнига сурункали яллиғланишга хос лимфо-гистиоцитар ҳужайралар кўпайганлиги аниқланган. Проллифератив яллиғланишга хос белгилар, яъни бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг кўпайиши асосан қон томирлар ва қўшимча тузилмалар атрофида ривожланганлиги, лейкоцитлар тўпламлари ёш бириктирувчи тўқимали грануляцион тўқима билан ўралганлиги намоён бўлган. Текширувнинг 10-кунига келиб, хусусий тўқима таркибидаги шиш ва деструктив ўзгаришлар батомон йўқолганлиги, оралик тўқимадаги нейтрофилли инфильтрация аниқ чегараланганлиги, атрофида ёш бириктирувчи тўқима ўсганлиги аниқланган.

Йирингли касалликларни фотодинамик терапия (фотосенсибилизатор 0,05%ли метилен кўки) ва CO<sub>2</sub>лазер билан даволаганда, морфологик ўзгаришларнинг ижобий тан олиши, авваламбор даво таъсирида яллиғланган тўқимада патогенетик жиҳатдан гипоксиянинг йўқолиши, яллиғланиш ҳужайраларида апоптоз жараёнининг кучайиши яллиғланишли-деструктив ўзгаришлар ҳажмининг кескин камайишига олиб келиши кузатилган. Ўткир яллиғланиш ўрнига пролифератив ва репаратив жараёнлар авж олиши аниқланган. Морфологик жиҳатдан ўткир яллиғланишга хос нейтрофилли инфильтрация ва унинг некробиоз ва абсцессланиш каби асоратлари кескин камайганлиги кузатилган. Текширувнинг 7-кунига келиб, яллиғланган тўқиманинг барча соҳаларида, яъни қон томирлар ва қўшимча тузилмалар атрофида ёш бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг кўпайиши ва грануляцион тўқима кўринишидаги склероз ривожланиши кўринган. Текширувнинг 10-кунига келиб, шиш, нейтрофилли инфильтрация деярлик тўлиқ ҳолда йўқолиб, ўрнига қон томирлар ва лимфо-гистиоцитар ҳужайралардан иборат бириктирувчи тўқима ўсганлиги, хусусий тўқима тузилмалари репаратив регенерацияга учраб қайта тикланганлиги намоён бўлган.

Илмий тадқиқот иши мобайнида планиметрик текширувлар йирингли яралар битиши динамикасини объектив баҳолашга имкон берган. Планиметрик усул вақт бирлигида яра юзаси майдонининг ўртача камайиш тезлигини ҳисоблашга имконият яратган (суткасига см). Ўтказилган планиметрик тадқиқотлар кўрсатишича, беморларнинг асосий гуруҳида ФДТ ва СО<sub>2</sub>-лазер қўлланганда йирингли яра майдони назорат гуруҳига нисбатан тезроқ қисқарган. Демак, II асосий гуруҳ беморларида йирингли яралар майдони 10-суткада 72,7%га қисқарган, I асосий гуруҳда бу кўрсаткич 69,5%, шу билан бирга анъанавий даволашдаги каби йирингли яралар майдони 59,9% га қисқарган ( $p < 0,05$ ).



**4-расм. Динамикада йирингли яраларнинг планиметрик кўрсаткичлари (мм<sup>2</sup>)**

Планиметрик кўрсаткичларни ўрганиш давомида қуйидагича хулоса қилишимиз мумкин: назорат гуруҳида йирингли яранинг майдони ўртача суткалик камайиш тезлиги 10 суткада  $-5,99\%$  ни ташкил этган, I асосий гуруҳда фотодинамик терапия ва ФС метилен кўки комплекс қўлланганда яра юзаси қисқариш тезлиги  $-6,9\%$ , II асосий гуруҳда эса фотодинамик терапия ва СО<sub>2</sub>-лазер комплекс қўлланганда яра юзаси қисқариш тезлиги юқорироқ бўлган  $-7,2\%$ .

Хулоса қилиб айтганда, юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив яралари билан беморларни даволаш учун фотодинамик терапия ва СО<sub>2</sub>-лазер қўллаш билан ишлаб чиқилган алгоритм патогенетик асосланган, юқори самарадор, умум қўллаш учун очиқ, ноинвазив бўлиб, кенг қўллашга тавсия қилинади. Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив яралари даволаш учун биз тавсия қилган услубни юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларида стационар ва амбулатор шароитда муваффақият билан қўллаш учун тавсия этилади.

## ХУЛОСАЛАР

«Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликларини даволашни самарали усулларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари қўзғатувчилари стандарт штаммларига нисбатан фотодинамик терапия жараёнида метилен кўки фотосенсибилизаторининг максимал антибактериал фаоллиги 0,05% (50  $\mu\text{M}$ ) концентрацияда намоён бўлиши тажрибада исботланиб, оқ зотсиз каламушларида йирингли яраларни даволашда фотодинамик терапия ва  $\text{CO}_2$ -лазерни комплексда қўлланилиб, анъанавий даволашга нисбатан йирингли яралар тезроқ тозаланиши ва тез битиши аниқланди.

2. Илмий-тадқиқот натижалари асосида юмшоқ тўқималар йирингли деструктив касалликларини даволашда қўлланилган фотодинамик терапия жараёни метилен кўки фотосенсибилизаторни йирингли ярага 30 дақиқали экспозицияси қилиниб, 630-670 нм тўлқин узунликдаги қувват зичлиги 200 мВт/см<sup>2</sup> бўлган лазер нурлантиргич билан нурланиш берилади, нурланишнинг умумий вақти йирингли яра майдони ва фазасига боғлиқ ҳолда 10-15 дақиқагача бўлиб, фотодинамик терапия сеанси 2-5 мартагача ўтказилиши оптимал эканлиги аниқланди.

3. Клиник, микробиологик, морфологик ва планиметрик тадқиқотлар натижаларига кўра, метилен кўки фотосенсибилизатори билан фотодинамик терапиядан фойдаланиш тана ҳарорати ва лейкоцитар интоксикация индекси меъёрлашишини, яраларни йирингли-некротик детритдан тозаланишини, грануляция пайдо бўлишини, эпителизация бошланиши вақтини 1,5–1,8 мартага қисқартирди.

4. Юмшоқ тўқималар йирингли-деструктив касалликлари мавжуд беморларни даволаш самарадорлигини ошириш учун қўлланилган фотодинамик терапияни эффективлигини клиник, микробиологик, морфологик ва планиметрик текширувлари натижасида исботлаб, патогенетик асосланган диагностик-даволаш алгоритми ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БУХАРСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ**

**МУРАДОВ АЛИЖОН САЛИМОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ ЭФФЕКТИВНЫХ  
МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ ГНОЙНО-ДЕСТРУКТИВНЫХ  
ЗАБОЛЕВАНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ**

**14.00.27 – Хирургия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**Бухара – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Tib104.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) и на Информационно-образовательном портале onet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель</b>	<b>Тешаев Октябрь Рухуллаевич</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты</b>	<b>Гуламов Олимжон Мирзохитович</b> доктор медицинских наук <b>Эгамов Юлдашали Салаймонович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущее учреждение</b>	<b>Самарский государственный медицинский университет, (Российская Федерация)</b>

Защита диссертации состоится «27» декабря 2021 г. в 12<sup>30</sup> часов на заседании Научного совета DSc/PhD.04/30.12.2019.Tib.93.01 при Бухарском государственном медицинском институте. Адрес: 200118, Бухара, улица А.Навои, дом 1. Тел./факс:(+99865) 223-00-50; e-mail: bsmi.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного медицинского института (зарегистрирована за № 059). Адрес: 200118, Бухара, улица А.Навои, дом 1. Тел./факс:(+99865) 223-00-50;

Автореферат диссертации разослан «6» декабря 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № 11 от «6» декабря 2021 г.)



**А.Ш. Иноятов**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

**Д.Н. Ачилова**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор по философии (PhD) по медицинским наукам, доцент

**Н.А. Нуралиев**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Гнойная инфекция остается трудной и очень важной проблемой в хирургических стационарах и занимает одно из основных мест среди хирургических заболеваний. За последние несколько десятков лет в решении этого вопроса достигнуты немалые успехи. Появилось множество средств и методов, которые ускоряют регенеративные процессы в ранах и предотвращают их вторичное инфицирование, но, несмотря на достигнутые успехи, данная проблема в целом остается весьма далекой от своего разрешения<sup>1</sup>. В общей структуре хирургических заболеваний хирургическая инфекция наблюдается у 35 - 45% больных.

В последние годы появились новые факторы, оказывающие существенное влияние на течение заболеваний в целом и гнойно-воспалительные процессы в частности. К ним относятся социально-экономические факторы, злоупотребление наркотическими средствами, частые использование сложных инвазивных лечебно-диагностических методик, ухудшения экологии, резистентность возбудителей к антибиотикам, вторичный иммунодефицит и т.д. Действие этих факторов на клиническое течение гнойно-воспалительного процесса и особенности лечения гнойной раны изучены недостаточно. С этиологической точки зрения ИКМТ являются обычно бактериальными и во многих случаях – полимикробными. Бактерии, которые чаще всего участвуют в процессе, – это *Staphylococcus aureus*, *Streptococcus* spp. (*Streptococcus pyogenes* и в меньшей степени – стрептококки групп В, С и G), энтеробактерии и анаэробные микроорганизмы (*Bacteroides* группы *fragilis* и *Clostridium* spp.)

На сегодняшний день в нашей стране принимаются комплексные меры по повышению качества оказания медицинской помощи населению, снижению осложнений ранней диагностики различных соматических заболеваний, в том числе качество квалифицированной медицинской помощи больным с гнойно-деструктивными заболеваниями мягких тканей. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, в целях поднятия уровня оказания медицинских услуг на новый уровень, поставлены такие задачи, как «... повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи населению, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, пропаганды здорового образа жизни и профилактики заболеваний за счёт создания эффективных моделей патронажа ...».<sup>3</sup>

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, обозначенных в Указах Президента Республики

---

<sup>1</sup>Галимзянов, Ф.В. Местное лечение и рациональная антибактериальная терапия инфицированных ран / Международный журнал экспериментального образования. -2014. - № 8, часть 2. – С. 111-112.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года

Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию в специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данная диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

**Степень изученности проблемы.** Ряд существующих научных исследований был сосредоточен на оптимизации лечения гнойно-деструктивных заболеваний мягких тканей (Спокойный А.Л., 2016), в том числе на фоне сопутствующих заболеваний (Бабаджанов Б.Д., 2017, Хамдамов Б.З., 2019) научно изучено. Имеется ряд научных работ с применением физических методов лечения гнойно-деструктивных заболеваний мягких тканей (Пантелеев В.С., 2011, Сафоев Б.Б., 2020).

